**«Ипотека-банк» АТИБнинг**
**Кузатув кенгаши томонидан**
**(2021 йил 30 августдаги 40-сонли баённома)**
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

# "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБда КОМПЛАЕНС БЎЙИЧА СИЁСАТ

**Тошкент 2021**

**Махфийлик**

Ушбу ҳужжатдаги барча маълумотлар махфий бўлиб, «Ипотека-банк» АТИБнинг мулки ҳисобланади. Мазкур ҳужжатни тўлиқ ёки қисман, шунингдек унинг иловаларини «Ипотека-банк» АТИБ ходимлари томонидан учинчи шахсга ошкор қилиниши фақат Комплаенс назорат департаментининг рухсати билан амалга оширилади.

# МУНДАРИЖА


**1 Қисқартмалар ва Таърифлар** ..... 4

**2 Умумий Қоидалар** ..... 7

**3 Амал Қилиш Соҳаси** ..... 8

**4 Тартибга Солувчи Асосий Ҳужжатлар** ..... 8

**5 Сиёсатнинг Мақсадлари** ..... 10

**6 Сиёсатнинг Вазифалари** ..... 10

**7 Комплаенс Таваккалчилиги ва Унинг Вужудга Келиш Соҳалари** ..... 10

**8 КБТнинг Тузилиши ва Бошқаруви** ..... 13

**9 Ҳисобот** ..... 17

**10 Жавобгарлик ва Якуний қоидалар** ..... 19

## ҲУЖЖАТНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ХРОНОЛОГИЯСИ

| | **Фамилия, исм, лавозим/Бошқарув орган,** | **Сана** |
|---|---|---|
| Ишлаб чиқувчи: | Комплаенс назорат департаменти | 30.08.2022 |
| Тавсия этилган: | Банк Кузатув кенгаши қошидаги Аудит қўмитаси | 14.08.2022 |
| Маъқулланган: | Банк Кузатув кенгаши томонидан | 14.08.2022 |

| Версия рақами | Чиқиш санаси | Кучга кириш санаси | Киритилган ўзгартиришларнинг қисқача тавсифи |
|---|---|---|---|
| 1.0 | 30.08.2021й. | 30.08.2021й. | Комплаенс бўйича янги Сиёсат |

## ҲУЖЖАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ҳужжатни назорат қилиш ва сақлаш қуйидаги жадвалда кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади:

| **Ҳужжат рақами** | **Ҳужжатни сақловчи (Лавозими)** | **Ҳужжат формати** |
|---|---|---|
| 1 | Корпоратив Маслаҳатчиси Хизмати | Асли PDFда, |
| 2 | Комплаенс Назорат Департаменти | Нусхаси PDFда<br>нусхаси Wordда |
| 3 | Банкнинг барча ходимлари | Нусхаси PDFда |

# 1 Қисқартмалар ва Таърифлар

| Тартиб рақами | Қисқартма | Таъриф |
|---|---|---|
| 1 | **«Ипотека-Банк» АТИБ / Банк** | «Ипотека-Банк» Акциядорлик Тижорат Ипотека Банки |
| 2 | **ЖДЛТМОҚҚТМҚК** | Жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш" |
| 3 | **Ички норматив ҳужжатлари / ИНҲ** | Банкнинг ИНҲ Банк Уставини, унинг ички сиёсатларини, низомларини, тартиб-қоидаларини, кодексларини, фармойишларини, қоидаларини ва бошқаларни ўз ичига олади. |
| 4 | **ИАД** | Ички аудит департаменти |
| 5 | **КНД** | «Ипотека-банк» АТИБнинг Комплаенс назорат департаменти |
| 6 | **БТБД** | Банк таваккалчилигини бошқариш департаменти |
| 7 | **Қўмита** | «Ипотека-банк» АТИБнинг Кузатув кенгаши қошидаги Аудит қўмитаси |
| 8 | **Комплаенс** | Банкнинг ККҚС ва ИНҲ, ишбилармонлик этика нормаларига риоя қилиш, бизнес фаолиятни юритиш стандартлари ва нормаларига риоя қилиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга, коррупция ва фирибгарликка қарши курашишда қўлланиладиган нормалар ва қоидаларга риоя қилиш. |
| 9 | **Комплаенс мажбурият** | Комплаенс-мажбурият Банкнинг Банк фаолиятига нисбатан қўлланиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳужжатларига, Банкнинг ички норматив ҳужжатларига, Банкнинг ўзи иштирокчи (тарафи) бўлган контрактлар бўйича шартнома мажбуриятларига риоя қилиш мажбуриятини англатади |

| Тартиб рақами | Қисқартма | Таъриф |
|---|---|---|
| 10 | **Комплаенс қонунлар, қоидалар ва стандартлар/ККҚС** | Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи органлари томонидан қабул қилинган барча қонунлар, норматив ҳужжатлар ва стандартларни ўз ичига олувчи комплаенс қонунлар, қоидалар ва стандартлар, тармоқ ассоциациялари томонидан қабул қилинган бозор конвенциялари ва бошқа қоидалар, шунингдек бозорда тегишли хулқ-атвор стандартларига риоя қилиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, мижозларга адолатли муносабатда бўлиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш, коррупция ва фирибгарликка қарши курашиш, солиқ режимига риоя қилиш, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот бериш, ахборотларни ошкор қилиш ва бошқа талабларга риоя қилиш масалаларини ўз ичига олувчи Банкнинг ички норматив ҳужжатлари. |
| 11 | **Комплаенс назорат** | Комплаенс назорат функциясига Банк операцияларининг ККҚСга риоя қилиш бўйича превентив мониторинги ва назорати, Банк мижозларининг, уларнинг операциялари, шунингдек Банкнинг ЖДЛТМОҚҚТМҚК бўйича операцияларининг мониторинги, коррупцияга қарши курашиш ва фирибгарликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи, шунингдек, мижозларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишни ва банкнинг корпоратив маданияти ва ишбилармонлик этикасига риоя қилишни таъминлаш киради. |
| 12 | **Комплаенс таваккалчилик** | ККҚСга риоя қилишга қаратилган белгиланган комплаенс қоидалари ёки назоратларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида санкциялар, сезиларли молиявий йўқотишлар ёки банк обрўсига путур етказиш таваккалчилиги |
| 13 | **КК** | «Ипотека-банк» АТИБнинг Кузатув кенгаши |

| Тартиб рақами | Қисқартма | Таъриф |
|---|---|---|
| 14 | **Комплаенс таваккалчиликни баҳолаш/КТБ** | Банкнинг тижорат фаолиятида комплаенс таваккалчиликларни аниқлаш, ушбу таваккалчиликлар даражасини аниқлаш, назорат ва/ёки пасайтириш усулларини қўллаш, ККҚСга риоя қилмаслик ҳолатларида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни ўлчаш жараёни |
| 15 | **Бошқарув** | Банкнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг иши Банк Устави, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом ва Банкнинг бошқа ички низомлари билан тартибга солинади |
| 16 | **Сиёсат** | Банкнинг комплаенс бўйича Сиёсати |
| 17 | **ЎзР** | Ўзбекистон Республикаси |
| 18 | **КБТ** | Комплаенсни бошқариш тизими |
| 19 | **Рўйхат** | БМТ, АҚШ, Бирлашган Қироллик, Европа Иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ташкилотлар томонидан терроризмга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, наркотик моддаларининг ноқонуний айланишига, уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция, коррупцияга қарши курашиш учун киритилган санкциялар, резолюциялар, халқаро иқтисодий санкциялар, эмбарголар рўйхати |
| 20 | **ЖДЛҚКМЧИЧГ** | Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи Гуруҳ |
| 21 | **ЎзРМБ** | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |
| 22 | **ЮД** | Юридик Департамент |

# 2 Умумий Қоидалар

2.1. Ушбу Сиёсат Банкда комплаенсни бошқариш тизимини ташкил этишнинг асосий мақсадлари, тамойиллари ва тартибини, КБТни бошқаришни, шу жумладан КБТни аниқлаш, баҳолаш, ўлчаш, мониторинг қилиш ва ҳисобот беришга ёндашувларни, шунингдек КК, Бошқарув ва Банкнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик тартибини белгилайди.

2.2. Банкнинг комплаенс сиёсати Банкнинг Ўзбекистон Республикасининг барча қонунчилик ва норматив ҳужжатларига, Банкнинг ички норматив ҳужжатларига максимал даражада риоя қилиш мажбуриятини, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда, коррупцияга қарши курашишда ва фирибгарликнинг олдини олишда самарали усуллардан фойдаланишни назарда тутади. Ушбу Сиёсат Банкнинг юқорида кўрсатилган мажбуриятларини самарали ва тўлиқ амалга оширишга қаратилган бўлиб, Банкда корпоратив бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

2.3. Банк бевосита Банкнинг қонуний талабларга риоя қилишига боғлиқ бўлган обрў-эътибор таваккалчилигини минималлаштиришга, шу билан аҳолининг Банкка ва унинг молиявий ҳисоботларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, шунингдек ККҚС талаблари ва учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши ва риоя этилишини таъминлашга интилади.

2.4. Комплаенс мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳуқуқий низоларга, маъмурий санкцияларга ва жарималарга, молиявий йўқотишларга ёки зарарга, шунингдек ишбилармонлик обрўсини йўқотишига олиб

келиши мумкин. Шу муносабат билан Банк мазкур Сиёсатга риоя қилишга алоҳида эътибор қаратади.

2.5. Комплаенс мажбуриятларига риоя қилиш Банкнинг корпоратив маданиятининг бир қисми бўлиб, у ҳалоллик ва одоблилик тамойилларига асосланган бўлиб, Банкнинг барча ходимлари ва унинг фаолиятининг барча соҳалари учун мажбурийдир.

2.6. Ушбу Сиёсат йилига камида бир марта кўриб чиқилади. Ушбу Сиёсатга ўзгартиришлар КНД томонидан ЎзР қонунчилигидаги ўзгаришларга ва/ёки Банкнинг ички ҳужжатларидаги ўзгаришларга, Банкнинг

2.7. Ушбу Сиёсатга киритилган ўзгартиришлар Қўмита билан келишилган ҳолда Банкнинг КК томонидан тасдиқланади.

# 3 Амал Қилиш Соҳаси

3.1. Мазкур Сиёсат Банк фаолиятининг барча турларига тааллуқлидир. Ҳужжат Банкнинг барча таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан қўлланилиши учун мажбурийдир.

# 4 Тартибга Солувчи Асосий Ҳужжатлар

4.1. Банк назорати бўйича Базел қўмитасининг Банкларда комплаенс ва комплаенс функциялари бўйича тавсиялари;

4.2. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи Гуруҳининг (ФАТФ) тавсиялари;

4.3. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни;

4.4. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ни Қонуни;

4.5. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ни Қонуни;

4.6. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни;

4.7. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни;

4.8. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни;

4.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

4.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сонли ““Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга

қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги Қарори;

4.11. 2017 йил 23 майдаги 2886-сонли «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари”;

4.12. 2013 йил 12 июндаги 2467-сонли “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом;

4.1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни;

4.2. Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари (2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган)

4.3. Акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодекси;

4.4. «Ипотека-банк» АТИБнинг ишбилармонлик хулқ-атвори ва корпоратив этика Кодекси;

4.5. «Ипотека-банк» АТИБда ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бериш Сиёсати;

4.6. “Ипотека-банк” АТИБда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш сиёсати;

4.7. «Ипотека-банк» АТИБда коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;

4.8. «Ипотека-банк» АТИБда фирибгарликка қарши курашиш Сиёсати;

4.9. “Ипотека-банк” АТИБда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсати;

4.10. "Ипотека-банк" АТИБда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва пасайтириш сиёсати;

4.11. «Ипотека-банк» АТИБда давлат харидлари тўғрисида Сиёсат;

4.12. "Ипотека-банк" АТИБда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш қоидалари;

4.13. Комплаенс ва ички назорат департаменти тўғрисидаги Низом.

4.14. "Ипотека-банк" АТИБда коррупцияга қарши курашиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар билан самарали ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида Низом.

4.15. "Ипотека-банк" АТИБнинг ходимларни танлаш тартиби.

# 5 Саёсатнинг Мақсадлари

5.1. Ушбу Сиёсатнинг мақсади КҚҚС ва учинчи шахслар билан келишувларга риоя қилмасликнинг олдини олиш, комплаенс таваккалчиликларнинг юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларини аниқлаш, комплаенс таваккалчиликлар юзага келишининг олдини олиш учун самарали превентив назоратни аниқлаш, шунингдек комплаенс таваккалчиликларни пасайтириш учун бошқа усулларни қўллашдир.

5.2. Ушбу Сиёсат Банк ичидаги барча даражаларда комплаенс маданиятни тарғиб қилишга/ КҚҚС талабларига риоя қилишга қаратилган, бунда КК ва Бошқарув Банк фаолиятида ишбилармонлик этикаси ва корпоратив маданият стандартларини белгилашда муҳим етакчи рол ўйнайди.

5.3. Ушбу Сиёсат қоидалари Банкнинг корпоратив маданиятига мос келади, барча манфаатдор шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Банк фаолиятининг барча соҳаларида Банкнинг ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ниятларини қўллаб-қувватлайди.

# 6 Сиёсатнинг Вазифалари

6.1. Ушбу Сиёсатнинг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

6.1.1. Комплаенсни бошқариш ва комплаенсни назорат қилиш тизимини жорий этиш;

6.1.2. Банк фаолиятининг барча соҳаларида комплаенс таваккалчиликларни идентификация қилиш, баҳолаш ва ўлчаш;

6.1.3. Комплаенс қоидалари ва стандартларини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали самарали превентив назорат механизмларини белгилаш;

6.1.4. Комплаенс таваккалчиликларни пасайтириш учун самарали усулларни танлаш ва қўллаш;

6.1.5. Комплаенс таваккалчиликларни мониторинг қилиш;

6.1.6. КҚҚСга риоя қилмаслик туфайли обрў-эътибор таваккалчилигининг олдини олиш.

# 7 Комплаенс Таваккалчилиги ва унинг Вужудга келиш соҳалари

7.1. Комплаенс таваккалчилик Банкнинг КҚҚСга риоя қилиш учун зарур, адекват сиёсатлар ва тартиб-қоидалар ёки назоратни ўрнатиш ва амалга оширишга қодир бўлмаган тақдирда юзага келади.

7.2. Комплаенс таваккалчилиги, агар Банкнинг мижозлар, шериклар, етказиб берувчилар ва бошқа учинчи шахслар билан операциялари ва/ёки шартнома муносабатлари ишончли бўлмаса ёки КҚҚСга мос келмаса ҳам юзага келиши мумкин.

7.3. КҚҚСга, Банк томонидан тузилган келишувларга риоя қилмаслик ёки бузиш натижасида келиб чиқадиган зарар ва жарималар миқдори, шу жумладан жарималар, маъмурий жарималар ва пенялар, шунингдек қонун ва/ёки келишувларнинг

қоидаларида назарда тутилган ҳуқуқий ҳаракатлар муҳим бўлиши мумкин. Зарар ва жарималарнинг бевосита оқибати мижозлар ва инвесторларнинг ишончини йўқотиш, аслида обрўсига зарар етказиш бўлиши мумкин, бу Банк дуч келиши мумкин бўлган муҳим таваккалчиликлардан биридир. Бундан ташқари, комплаенс таваккалчилик

Банкнинг бизнес фаолиятини чеклаши, унинг ўсиш потенциалини пасайтириши ва келишувларга риоя қилишни таъминлашга қодир эмаслигига олиб келиши мумкин.

7.4. Банк қуйидаги комплаенс таваккалчиликларни ва уларнинг юзага келиш соҳаларини аниқлади:

7.4.1. Банк томонидан хизматлар кўрсатишда мижозлар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар (молиявий ва иқтисодий жиноятлар) таваккалчилиги, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда:

7.4.1.1. жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш;

7.4.1.2. терроризмни молиялаштириш;

7.4.1.3. санкциялар рўйхати ва қарорларига, шунингдек халқаро иқтисодий санкциялар ва эмбарголарга риоя қилмаслик.

7.4.2. Банк ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари таваккалчилиги:

7.4.2.1. инсайдер маълумотларидан фойдаланган ҳолда қимматли қоғозлар бозорида операцияларни бузиш;

7.4.2.2. корпоратив этика Кодекси нормаларини бузиш;

7.4.2.3. учинчи шахсларга банк хизматларини тасдиқлаш ва ўтказишда фирибгарлик ва коррупция;

7.4.2.4. банк ходимларининг ўриндошлик бўйича иши;

7.4.2.5. банк ходимлари ёки раҳбарларига лозим даражада бўлмаган рағбатлантириш (шу жумладан совғалар);

7.4.2.6. қимматли қоғозлар савдоси ва фонд бозорида жойлаштириш қоидаларига риоя қилмаслик;

7.4.2.7. ахлоқсиз маркетинг ва адолатсиз реклама;

7.4.2.8. маслаҳат фаолиятини адолатсиз амалга ошириш;

7.4.2.9. Банк томонидан товарлар ва хизматларни харид қилиш бўйича талабларига риоя қилмаслик;

7.4.2.10. солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилмаслик;

7.4.2.11. алоқадор бўлган томонларга бозор шароитларига қараганда қулайроқ шартларда хизматлар кўрсатиш.

7.4.3. Банк тарафидан бузулиш таваккалчилиги:

7.4.3.1. Банкнинг ИНҲ ва бизнес жараёнларида ЎзР қонунчилигига киритилган ўзгаришларни ўз вақтида киритмаслик;

7.4.3.2. манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши;

7.4.3.3. янги маҳсулотларни жорий этишда ва мавжуд маҳсулотларни такомиллаштиришда комплаенс таваккалчилик;

7.4.3.4. Банкнинг маълумотлар базаларини сақлаш вақтида кибер ҳужумлар ва бошқа техник носозликлар туфайли Банкнинг махфий, тижорат ва молиявий маълумотларининг йўқолиши ёки чиқиб кетиши;

7.4.3.5. Уставда, бошқа ИНҲда назарда тутилмаган ва/ёки ЎзР қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензияларни олмаган ҳолда фаолиятни амалга ошириш.

# 8 КБТнинг тузилиши ва бошқаруви

8.1. Банкнинг ҳар бир ходими Банк фаолиятининг ажралмас қисми бўлган ККҚСга ва Банкдаги комплаенс тизимига риоя қилишга мажбур.

8.2. Банк барча даражаларда ишбилармонлик этикасининг юқори стандартларини ўрнатди ва қўллайди.

8.3. Комплаенс таваккалчиликни камайтириш мақсадида Банк ИНҲни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, банк ва унинг ходимлари фаолиятини халқаро ташкилотлар томонидан қўлланиладиган амалиёт ва стандартлар асосида тартибга солади, шунингдек Банк маълумотлар базаларининг хавфсизлиги ва сақланишини таъминлаш, махфийликни сақлаш, бундай маълумотларга киришни назорат қилишга ва уни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беради.

8.4. Комплаенс мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ комплаенс таваккалчиликларини ўлчашда Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Банк тарафлардан бири бўлган шартномаларда кўрсатилган мумкин бўлган жарималар, санкциялар, суд жараёнлари ва бошқа зарарлар тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Шу билан бирга, комплаенс мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ ишбилармонлик обрўсини ва/ёки ишбилармонлик активлигини йўқотишдан юзага келиши мумкин бўлган зарарларни ўлчаш комплаенс таваккалчилик амалга оширилгунга қадар ўтказилмайди.

8.5. КБТ қуйидаги асосий тамойиллар, чора-тадбирлар ва назоратларга асосланади:

8.5.1. ҳуқуқбузарликлар содир этишда банк хизматларидан фойдаланиш таваккалчилигининг олдини олиш, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қонунчиликда назарда тутилган чора-тадбирларни кўриш;

8.5.2. ККҚСдаги ўзгаришлар мониторинги, Банкнинг ИНҲга ва бизнес жараёнларига тегишли ўзгартиришлар ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек ККҚСга риоя этилишини таъминлаш;

8.5.3. Банк мижозларини идентификация қилиш ва комплекс текшириш, уларнинг операциялари ва Банкнинг учинчи шахслар билан амалга ошириладиган операцияларини мониторинг қилиш;

8.5.4. ККҚСга риоя қилмаслик фактларини ўз вақтида бартараф қилиш;

8.5.5. Банк фаолиятининг ИНҲ талабларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида комплаенс таваккалчиликларини ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш;

8.5.6. ЎзРМБнинг ваколатли вакиллари, ИАД ходимлари, ташқи аудиторлар ва махсус ваколатли давлат органлари ходимлари томонидан ўтказилган

текширишлар давомида аниқланган банк фаолиятидаги хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

8.5.7. Банкнинг барча таркибий бўлинмаларининг комплаенс таваккалчиликларини бошқариш бўйича самарали ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек комплаенс таваккалчиликларини назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

8.5.8. ЎзРМБ ва Банкда комплаенс назорат тизимини ташкил этиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан Банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашиш бўйича Қонунчилик ва ички норматив ҳужжатлар бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

8.5.9. комплаенс таваккалчиликни камайтириш мақсадида ИНҲга риоя қилишни таъминлаш, коррупция ва фирибгарлик ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

8.5.10. инсайдер маълумотларидан, махфий ва тижорат маълумотларидан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

8.5.11. манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш ва назорат қилиш чораларини кўриш;

8.5.12. банкда тақиқланган операциялар ҳолатлари ва таваккалчиликлари, шу жумладан банк ходимлари ва учинчи шахслар томонидан фирибгарлик ва коррупция ҳолатлари, шунингдек уларнинг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятлар ва маълумотларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва аниқланган ҳуқуқбузарликлар фактларини бартараф этиш чораларини кўриш;

8.5.13. банк маълумотлар базаларининг хавфсизлигини, маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, уни ҳимоя қилиш бўйича замонавий ва етарли чора-тадбирларни кўриш, банкнинг маълумотлар базаларига ва махфий маълумотларига киришни назорат қилиш;

8.5.14. Банкнинг корпоратив маданияти ва фаолиятининг ажралмас қисми бўлган комплаенс назорат банкнинг ҳар қандай бизнес жараёнида ва фаолиятида мавжуд;

8.5.15. Комплаенс назорат тамойилларига риоя қилиш Банкнинг ҳар бир ходимининг мажбурияти ҳисобланади. Банк ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни ички қоидаларнинг белгиланган талаблари доирасида ва умумқабул қилинган хулқ-атвор ва ишбилармонлик этика стандартларига мувофиқ бажарадилар.

8.6.Комплаенс назоратнинг асосий йўналишлари:

8.6.1. Банкдаги институционал комплаенс назорати ўрнатилган ИНҲга, шу жумладан ички ўзаро таъсир қоидаларига, тартиб-қоидаларга ва қарорларни қабул қилиш жараёнларига, янги маҳсулотларни фақат комплаенс ва бошқа

таваккалчиликларни камайтириш учун адекват назоратни ўз ичига олган тегишли ИНҲ мавжуд бўлганда жорий этишни ўз ичига олади;

8.6.2. Операцион комплаенс назорат Банкнинг комплаенс таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича операциялари мониторингини, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашиш, ишончсиз контрагентлар ва фирибгарлик ва коррупция хавфини аниқлаш каби назорат чораларини ўз ичига олади.

8.6.3. Касбий этика қоидаларига риоя этилиши устидан комплаенс назорат касбий ишбилармонлик хулқ-атвор ва корпоратив этика билан боғлиқ комплаенс таваккалччиликларни мониторинг қилиш, аниқлаш ва баҳолаш, манфаатлар

тўқнашувини аниқлаш ва ҳал қилиш, инсайдер ёки махфий маълумотлардан ноқонуний фойдаланишни ўз ичига олади.

8.7.КК комплаенс Сиёсатини тасдиқлаш, Банкдаги КБТни мониторинг қилиш учун жавобгардир.

8.8. ИАД Банкни ИНҲга мувофиқлиги бўйича ички аудит текширувини ўтказади, Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ва ички назоратини баҳолаш натижалари асосида КБТни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

8.9. Банк Бошқаруви қуйидагиларга жавобгардир:

8.9.1. комплаенс Сиёсати қоидаларини жорий этиш ва ижро этиш;

8.9.2. Ушбу Сиёсат қоидаларини Банкнинг барча ходимлари эътиборига етилишини таъминлаш;

8.9.3. КҚҚСга риоя этилишини таъминлаш мақсадида Банк ичидаги мажбуриятларни тақсимлаш;

8.9.4. самарали КБТ учун Банкнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

8.9.5. Банкнинг ИНҲга ва бизнес жараёнларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, ЎзР қонунчилиги ва норматив ҳужжатларидаги ўзгаришлар муносабати билан КҚҚСга риоя этилишини таъминлайдиган назоратни ўрнатиш;

8.9.6. Банк маълумотлар базаларининг хавфсизлигини, маълумотларнинг махфийлигини, уни ҳимоя қилишни, шунингдек маълумотлар базаларига ва банкнинг махфий маълумотларига киришни назорат қилишни таъминлаш;

8.9.7. янги маҳсулотларни фақат комплаенс ва бошқа таваккалчиликларни камайтириш учун етарли назоратни ўз ичига олган тегишли ИНҲ мавжуд бўлганда жорий этиш;

8.9.8. КҚҚСга риоя қилмаслик фактларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида қабул қилиш;

8.9.9. операцияларни амалга оширишда инсон омилининг таъсирини минималлаштириш мақсадида банкнинг операцион фаолиятини тўғри автоматлаштириш;

8.9.10. КҚҚСга риоя қилмаслик фактлари билан боғлиқ интизомий ва бошқа маъмурий чораларни қўллаш.

8.10. Комплаенс тизимини бошқаришнинг бир қисми сифатида Банкнинг барча юқори лавозимли ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

8.10.1. КҚҚСга риоя қилиш;

8.10.2. Ходимлар ва уларга бўйсунувчи таркибий бўлинмалар томонидан КҚҚСга риоя этилишини таъминлаш;

8.10.3. КК ва Бошқарувнинг ушбу Сиёсат ва КҚҚСга риоя қилиш билан боғлиқ қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

8.10.4. Ходимлар ва уларга бўйсунувчи таркибий бўлинмалар томонидан комплаенс ва комплаенс назорат функциясини тушунишни таъминлаш;

8.10.5. Ички норматив ҳужжатлар ва КҚҚСга мувофиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган яхшиланишлар ёки тузатишлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериш;

8.10.6. ККҚС ва ИНҲ билан комплаенс таваккалчилиги ва/ёки бузилиш/ ККҚС ва ИНҲга риоя қилмаслик ҳолатларида КНД ва/ёки Қўмитани хабардор қилиш.

8.11. Комплаенс тизимини бошқаришнинг бир қисми сифатида Банкнинг Молиявий Блоки қуйидагиларни таъминлашга мажбур:

8.11.1. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот бериш ва молиявий маълумотларни ошкор қилиш бўйича ККҚС талабларига риоя қилиш;

8.11.2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини максимал даражада автоматлаштириш, пруденциал нормаларни, ковенантларни ва ички лимитларни ҳисоблаш.

8.12. Комплаенс тизимини бошқаришнинг бир қисми сифатида Банкнинг ЮД қуйидагиларга мажбурдир:

8.12.1. Банк фаолияти билан боғлиқ ва унга тааллуқли бўлган ЎзР қонунчилигидаги барча ўзгаришлар тўғрисида Бошқарув, КНД ва блок раҳбарларини мунтазам равишда ва ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек Банкнинг ИНҲга тегишли ўзгаришларнинг таъсири ва зарурлигини баҳолаш;

8.12.2. ИНҲнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш;

8.12.3. Банк ва учинчи шахслар ўртасида тузиладиган барча контрактлар, келишувлар ва шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш.

8.13. КНД комплаенс назорат функциясини, шу жумладан ККҚСга риоя қилиш бўйича банк операцияларининг превентив мониторингини, ИНҲнинг ЎзР қонунчилигига мувофиқлигини, Банк мижозлари, уларнинг операциялари, шунингдек Банкнинг ўзининг операцияларининг ЖДЛТМОҚҚТМҚҚ, коррупцияга қарши курашиш ва фирибгарликнинг олдини олиш нуқтаи назаридан, шунингдек мижозлар билан адолатли муносабатни таъминлаш ва Банкнинг корпоратив маданияти ва ишбилармонлик этикасига риоя этилишини таъминлаш нуқтаи назаридан амалга оширади.

8.14. Комплаенс назоратни кучайтириш ва лозим даражада амалга ошириш мақсадида КНД фаолияти Банкнинг ижро этувчи ва бизнес функцияларидан мустақил бўлган таркибий бўлинма ҳисобланади.

8.15. КНД функционал жиҳатдан ККга ва маъмурий жиҳатдан Қўмитага бўйсунади.

8.16. КНДнинг вазифалари, ваколатлари ва мажбуриятлари КНД тўғрисидаги Низомда, КНД ходимларининг лавозим йўриқномалари ва КНДнинг бошқа ички ҳужжатлари билан батафсил белгиланади ва тартибга солинади.

# 9 Ҳисобот

9.1.КНД Қўмита ва ККга қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

9.1.1. Компланс таваккалчиликни баҳолаш натижалари, коррупция таваккалчилиги, порахўрлик таваккалчилиги ва ККҚСга риоя қилмаслик фактлари тўғрисидаги маълумотлар базасини ҳисобга олган ҳолда коррупция таваккалчиликлари, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш, коррупция ва фирибгарлик фактлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар –ҳар йили;

9.1.2. Янги аниқланган комплаенс таваккалчиликлар, шу жумладан коррупцияга оид таваккалчиликлар ва фирибгарликка оид таваккалчиликлар бўйича - ҳар йили;

9.1.3. Комплаенс тест натижалари бўйича - ҳар йили;

9.1.4. ИНҲнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини баҳолаш натижалари тўғрисида - ҳар йили;

9.1.5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш, коррупция ва аниқланган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш билан боғлиқ тақиқланган операциялар ва операциялар тўғрисида -ҳар йили;

9.1.6. ДХК ва банк ходимлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, коррупция, фирибгарликка қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, истеъмолчилар ва банк ходимларининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказиладиган тренинг ва ўқишлар тўғрисида - ҳар йили;

9.1.7. Қонунбузарликлар фактлари тўғрисида/ИНҲга риоя қилмаслик фактлари ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора–тадбирлар ҳолати тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.8. Аниқланган ва олдиндан ҳал қилинган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.9. Фуқаролар, банк ходимлари ва учинчи шахсларнинг ўз ҳуқуқларининг бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатлари таҳлили натижалари, бундай ҳуқуқбузарликларнинг тасдиқланган фактлари, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида -ҳар чоракда;

9.1.10. Фуқаролар, банк ходимлари ва учинчи шахсларнинг фирибгарлик ва коррупция фактлари, аниқланган коррупция ва фирибгарлик фактлари, кўрилган чора - тадбирлар юзасидан мурожаатлари таҳлили натижалари тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.11. ЎзРМБ, ваколатли назорат қилувчи давлат органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.12. ЎзРМБ, ваколатли назорат қилувчи давлат органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари ва/ёки ККҚС ва ИНҲга риоя қилмаслик асосида Банкка нисбатан қўлланиладиган тўланган жарималар, пенялар, бошқа чоралар ва санкциялар тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.13. Банк ишонч телефонлари ишини самарадорлигини мониторинг қилиш ва банк манфаатдор шахсларини банк томонидан коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш натижалари тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.14. Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, фирибгарликка қарши курашиш сиёсати, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш сиёсати, коррупцияга қарши кураш соҳасида назорат қилувчи органлар билан

самарали ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг бажарилишини мониторинг қилиш натижалари тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.15. Корпоратив ишбилармонлик этика кодексига риоя қилиш ва ижро этиш натижалари тўғрисида - ҳар чоракда;

9.1.16. Қонунбузарликлар тўғрисида хабардор қилиш сиёсати ва Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга риоя қилиш ва ижро этиш натижалари тўғрисида - ҳар чоракда.

9.2. КНД ЎзРМБга ва ваколатли давлат органларига қуйидаги ҳисоботларни тақдим қилади:

9.2.1. Шубҳали ва гумонли операциялар, шунингдек юқори даражадаги хавфга эга бўлган мижозлар ҳақида ҳисобот - ойлик;

9.2.2. Террорчилик билан боғлиқ жиноятлар учун халқаро қидирувда бўлган шахслар томонидан амалга оширилган фаол террористик фаолият соҳаларида халқаро пул ўтказмалари бўйича банк операциялари ва банк операциялари тўғрисида ҳисобот-ойлик;

9.2.3. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳисобот-ойлик;

9.2.4. Жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлардан олган пул маблағлари тўғрисида ҳисобот-ойлик;

9.2.5. Оффшор зоналардан пул маблағларини ўтказиш ёки олиш билан боғлиқ операциялар, шунингдек хорижий мамлакатларда, шу жумладан оффшор зоналарда операцияларни амалга оширган мижозларнинг халқаро банк карталари бўйича бир марта ёки 30 кун ичида 10 минг АҚШ долларига тенг ёки ундан ортиқ миқдорда ҳисобот – ҳар ойда;

9.2.6. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легалаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш таваккалчилиги тўғрисида ҳисобот - чораклик;

9.2.7. Мижозлар-жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш тўғрисида ҳисобот - ҳар чоракда.

# 10 Жавобгарлик ва Якуний Қоидалар

10.1. Ушбу Сиёсатда назарда тутилган қоидалар Банкнинг барча ходимлари учун мажбурийдир.

10.2. Мазкур Сиёсатнинг лозим даражада бажарилиши устидан назорат "Ипотека-банк"АТИБ Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

10.3. Мазкур Сиёсат талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

10.4. Агар ушбу Сиёсатда кўрсатилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга, шу жумладан ЎзРМБ норматив ҳужжатларига зид бўлса, Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормалар устувор аҳамият касб етади ва уларга риоя қилиниши мажбурий ҳисобланади.

## 11 Ушбу Сиёсат кучга кириши муносабати билан ўз кучини йўқотган норматив ҳужжатлар

11.1 Банк Кузатув кенгашининг 2020 йил 23 июндаги 31-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган ««Ипотека-банк» АТИБнинг комплаенс таваккалчилигини бошқариш сиёсати».